МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

ШАНБА

2014 йил 22 ноябрь,
№98 (1065)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 118 400 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 231 575 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 21 ноябрь

## ОҚСАРОЙДА УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябрь куни Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси Президенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси Дидье Буркхальтер билан учрашди.**

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Швейцарияга ишончли ҳамкор, жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутувчи, умумэътироф этилган халқаро иқтисодий ва молиявий марказ сифатида қарашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Швейцария муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплангани, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди.

Ўзбекистонда Швейцария капитали иштирокида 77 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 22 таси тўлиқ ушбу мамлакат сармояси ҳисобига ташкил этилган. Жорий йилда ҳам савдо соҳасида ижобий тенденция кузатилмоқда.

Шу билан бирга, ҳар иккала мамлакатнинг мавжуд салоҳияти ўзаро манфаатли бўлган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш имконини бериши қайд этилди.

Учрашувда таъкидланганидек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги сиёсатга оид кўплаб масалалар бўйича мамлакатларимизнинг позицияси яқин ёки ўхшаш экани БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик учун қулай шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Швейцариянинг 2014 йилда ЕХҲТга раислигини қўллаб-қувватлаган эди. Президент Дидье Буркхальтер ЕХҲТга раисликнинг дастлабки якунлари бўйича ўз фикрини баён қилди.

Учрашувда долзарб халқаро масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2014 йил 24-25 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид кенг кўламли масалалар муҳокама этилади. Давлат раҳбарлари долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ







## Маслаҳатчига услубий ва амалий кўмак фаолият такомилига хизмат қилади

**Бугунги кунда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, диний қадриятларни улуғлаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари зиммасидаги залворли вазифалардан. Уларга услубий-амалий кўмак бериб келаётган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлинмаларининг бош мутахассислари масъулияти янада ортган.**

**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

Маҳаллаларда «Соғлом бола», «Обод турмуш», «Мустаҳкам оила» ғояларининг амалга оширилишида, соҳага оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини изчил таъминлашда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига яқин кўмакчи бўлган бош мутахассисларнинг малакасини ошириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу мақсадда пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлим ва бўлинмалари бош мутахассислари учун «Маҳаллаларда тинчлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ, оилавий низолар ҳамда турли салбий ҳолатларнинг олдини олишда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини йўналтириш ҳамда уларга услубий-амалий ёрдамлар кўрсатиш» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар ҳамда Дин ишлари бўйича қўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Психологлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган семинарда Фонднинг бўлим ва бўлинмалари бош мутахассислари, пойтахтимиздаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.

> [2]

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

## Машғулотлар — тажриба ва маҳорат мактаби

**Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида жойларда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун «Болам бахтли бўлсин десангиз» мавзусида махсус ўқув-тренинг машғулотлари ўтказиб келинмоқда.**

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Фонднинг Кармана, Нурота, Конимех ва Навбаҳор туманлари ҳамда Навоий шаҳар бўлинмаларида ташкил этилган ана шундай машғулотларни Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси Эргаш Даминов олиб борди.

Тренингларда, асосан, ҳудудларда барқарор маънавий муҳитни таъминлаш, ёшларни «омавий маданият» ва бошқа ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш ва улардаги дахлдорлик туйғусини кучайтириш борасида сўз борди.

— Бугунги шиддатли замонда ёш авлод тарбияси катта аҳамият касб этади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Раъно Шербўтаева. — Машғулотлар давомида тингловчилар оила ва фарзанд тарбиясига доир муаммоларни турли педагогик воситалар орқали ҳал этиш юзасидан маълумотларга эга бўлдилар. Бу, албатта, ҳар бир маслаҳатчи фаолиятида қўл келади.

Айтиш жоизки, ўқув-тренинг машғулотлари иштирокчилар учун ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврнинг фарзанд тарбияси борасида қўяётган талабларини бажариш ҳамда аҳолининг мафкуравий иммунитетини оширишда ҳақиқий тажриба мактаби бўлди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## Оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги етакчи бўғин

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда респондентларнинг 61,4 фоизи оиланинг асосий вазифаси баркамол авлодни вояга етказиш эканини таъкидлаган.**



**Т. НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

Дарҳақиқат, фарзандини жисмонан соғлом, маънан етук қилиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг эзгу мақсад-муддаоси, барча орзу-ҳаваслари ва интилишларининг асосий негизи ҳисобланади. Шу боис юртимизда юксак инсоний қадриятлар ва фазилатлар ҳамда энг яхши анъаналарни ўзида мужассам этгани туфайли оила доимо эъзозу эътиборда.

Замонлар ўтиб, аҳоли турмуш тарзи, қадриятлари ўзгарса-да, жамиятда оиланинг мавқеи, аҳамияти ошса ошдики, асло камайгани йўқ. Айниқса, истиқлол боис у янада такомиллашди, тараққий топиб, мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди. Бош Қомусимизнинг XIV боби «Оила» деб номланиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилгани фикримиз далилидир.

Пойтахтимизда «Оила институтини мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

> [2]

ЯНГИ РУКН: **САЙЛОВДАГИ ИЛК ИШТИРОКИМ**

## «Менинг овозим ўз орзу ва мақсадимнинг ифодасидир»

**Жамиятнинг қай даражада ривожлангани унда қарор топган демократик тамойилларда акс этади. Сайлов тизимининг адолат, очиқлик ва ошкоралик мезонлари асосида ўтиши, сайловчиларнинг фуқаролик позициясига эга эканлиги эса демократик давлатнинг муҳим шартидир.**




**Улуғбек ШОНАЗАРОВ.**

Мамлакатимизда жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларни юқори савияда ташкил этиш, унда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш ва ёш авлодга сиёсий жараён орқали ўз иродасини ифода этиши қай даражада зарурлигини тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғинида эндигина сайлов ёшига тўлганларга миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда.

— Сайлов муносабати билан маҳалламизда хатлов ўтказдик, — дейди йиғин раиси Равшан Тўраев. — Натижалар шуни кўрсатдики, сайлов ёшига етган йигит-қизлар сони 43 нафарни ташкил этади. Уларнинг овози эса эркин фикр билдирувчи ва мустақил қарор қабул қилувчи шахс сифатида аҳамиятга эга. Шу боис эндигина сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ёшларга сайловнинг аҳамиятини тушунтириш, уларга бу борада тегишли йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериш долзарб вазифамиздир.

> [2]

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

## Фуқаролик жамиятининг муҳим босқичи

**Бугун ҳаётимизни маҳалласиз тасаввур қила олмаймиз. Аҳолининг нима ташвиши ёки муаммоси бўлса, аввало, йиғин идорасига келади.**

**Ёрқул ТУРСУНОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

Жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббуси, иштироки ва кўмаги билан ҳал бўлаётган масалалар жуда кўп. Буларнинг барчаси давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан маҳаллага берилаётган кенг ваколатлар туфайлидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришнинг яққол ифодаси, мамлакатимизни модернизациялаш ҳамда демократик янгилашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқаролар йиғинларининг турли ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Қонунда ифодаланган ижтимоий шерикликнинг асосий соҳаларига назар ташлайдиган бўлсак, улар маҳалла зиммасидаги энг муҳим вазифалар, улуғ мақсадлар билан муштараклигини кўрамиз. Яъни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, баркамол авлодни шакллантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шулар жумласидандир.

> [2]

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# Оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги етакчи бўғин

< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган тадбирда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари мутасаддилари, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ислоҳотлар жараёнида оила институтини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор кутилган самараларни бераётганини таъкидлашди.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари бўйича 70 мингга яқин тарғибот тадбири ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Наргиза Қаюмова. — Ёш оилаларнинг ажралиб кетиши олдини олиш бўйича 65 мингдан зиёд давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 7 миллион нафарга яқин аҳоли иштироки таъминланди. Шунингдек, маҳаллалар қошидаги «Ота-оналар университети» томонидан оила бошлиқларининг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини ошириш бўйича 73 мингдан ортиқ, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича эса 62 мингга яқин учрашув уюштирилди.

Юртимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уларни аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган. Дарҳақиқат, бу муқаддас гўшанинг аҳволи, турмуш тарзи, яшаш шароити маҳалла фаолларига яқиндан таниш.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ўрганилиб, амалдаги қонун талаблари асосида Фонд томонидан 9 мингга яқин фуқарога 3 миллиард 223 миллион сўм моддий ёрдам ажратилди. Бундай хайрли ишлар, аввало, муҳтож оилаларнинг оёққа туриб олиши учун бирламчи кўмакдир.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож 230 та ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳамда 200 нафар кам таъминланган оила фарзандининг суннат тўйларини ўтказишда ёрдам берилди.

Фуқаролар йиғинлари қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ҳамкорлиги оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда беқиёс имкониятга эга. Арзимас баҳоналар туфайли қайнона-келин ўртасидаги муносабатларнинг таранглашиши оиланинг дарз кетишига олиб келади. Бундай вазиятда ҳаётий тажрибага эга, ўзининг ширинсуханлиги билан барчанинг кўнглига йўл топа оладиган маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тажрибаси қўл келади.

Жорий йилда маслаҳатчилар томонидан 5 миллиондан ортиқ оиланинг ижтимоий-маънавий аҳволи ўрганилди. Шундан 1,5 миллиондан зиёд ёш оила, 98 мингдан зиёд боқувчисини йўқотган оилага зарур маслаҳатлар берилди. Тушунтириш ишлари натижасида 43 мингга яқин оиладаги турли низолар ва 4 мингга яқин эрта никоҳнинг олди олинди. Бевосита маҳалланинг аралашуви билан 20 мингга яқин оила яраштирилди. Бундан ташқари, маслаҳатчилар томонидан оилаларни ўрганиш жараёнида 215 мингта оилада ишсизлик муаммоси аниқланиб, 206 минг нафардан ортиқ фуқаронинг иш билан таъминланишига кўмаклашилди. 80 мингга яқин оилага моддий, 1 миллиондан зиёд оилага тиббий ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллалар томонидан оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, фарзанд тарбиясида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида 81 мингга яқин тарғибот иши ташкил этилиб, ушбу йўналишда 7 мингдан ортиқ тарғибот гуруҳи тузилиб, улар ташаббуси билан 5 мингдан зиёд ўқув-семинарлари уюштирилди.

Йиғилишда оилаларни янада мустаҳкамлаш бўйича фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар, хусусан, Яраштириш, Хотин-қизлар билан ишлаш, Маърифат ва маънавият, Воява етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар, «Ота-оналар университетлари», «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш белгилаб олинди.

Тадбирда жамиятимизнинг маънавий негизларини янада мустаҳкамлаш, миллий қадриятларнинг бардавомлигини таъминлашда маҳалла ва оила институтининг ҳамкорлиги самаралари, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, миллий қадриятларни асраш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш борасида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Матбуот анжуманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов иштирок этди.



СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

# Маслаҳатчига услубий ва амалий кўмак фаолият такомилига хизмат қилади



< [1]

— Семинардан кўзланган асосий мақсад фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини йўналтириш ва уларга услубий-амалий ёрдам бериш бўйича Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари бош мутахассисларининг малакасини оширишдан иборат, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ҳудудида камида 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарча, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. 2005 йили «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими бошқарувларида бош мутахассис лавозими жорий этилди. Бу лавозимга тайинланганлар чекка туманлардаги маҳаллаларга кўмаклашишда бир мунча қийинчиликларга дуч келди. Буни бартараф этиш мақсадида 2007 йили Жамғарма Раёсат қарори билан ҳар бир туман (шаҳар) бўлинмасида бош мутахассис фаолият юрита бошлади. Ҳозир фаол ва ташаббускор, фидойи ва ҳаётий тажрибага эга 196 нафар аёлга ушбу вазифа ишониб топширилган.

Шу ўринда бош мутахассиснинг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсак. Ушбу лавозимда хизмат қилаётган мутасадди, аввало, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини низом асосида йўналтириб, уларнинг иш самарадорлигини оширишда услубий-амалий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, у Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 175-сонли қарори асосида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тадбирларни амалга оширади ҳамда маҳаллалар кесимида вазифалар ижросини таҳлил этади.

Фуқаролар йиғинлари қошидаги «Ота-оналар университетлари» фаолияти самарадорлигини ўрганиб, услубий ва амалий ёрдам бериш, маҳаллаларнинг Яраштириш, Маърифат ва маънавият, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар раисларига оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт соҳаларига доир тадбирларни амалга ошириш, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларини ташкил этишда маслаҳатчиларга кўмаклашиш ҳам бош мутахассис зиммасидаги вазифалардан.

Бугунги кунда республикамиз бўйича 8 минг 600 нафарга яқин маслаҳатчи фаолият юритмоқда. Фонд томонидан улар фаолиятини йўналтириш, амалий-услубий кўмак бериш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида маслаҳатчилар соҳага оид услубий қўлланма ва адабиётлар билан таъминланди. «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари тўплами», «Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш бўйича услубий тавсия», «Маҳалладаги айрим муаммолар: уларни бартараф этиш усуллари (фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига тавсиялар)», «Тўйларимиз маърифати», «Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи» каби қўлланмалар, маслаҳатчиларнинг иш юритиш усуллари, тартиби, вазифалари ёритилган плакатлар етказиб берилди.

Жорий йилда фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли салбий иллатларни бартараф этиш борасида тизимли тарзда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида республика бошқарувининг фармойиши қабул қилинди.

Фармойиш асосида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичига чиққан маслаҳатчиларга 2-шарт бўйича тақсимлаб берилган йўналишлар умумлаштирилган ҳолда, маслаҳатчиларнинг дунёқараши, фикрлаш қобилияти ва билим савиясини ошириш, иш фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, «Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида»ги низоми талабларини тушунтириш мақсадида тайёрланган «100 саволга 100 жавоб» рисолалари маслаҳатчиларга тарқатилди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси», «Энг намунали оила», «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Энг намунали яраштириш комиссияси», «Энг намунали ота-оналар университети» каби кўрик-танловларни юқори савияда ташкил этишда бош мутахассисларнинг хизматини алоҳида эътироф этиш лозим.

Семинарда бош мутахассислар фаолиятида кузатилаётган айрим хато ва камчиликлар, жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни маънан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмушнинг олдини олишдаги муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, тизимнинг оила ва хотин-қизлар ҳамда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига услубий-амалий кўмаклашиш йўналишида бош мутахассислар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Фонднинг республика бошқаруви томонидан «Назорат дафтари» тайёрланди ва уни юритиш бўйича бош мутахассисларга тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида семинар иштирокчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, хусусан, «Минор» жоме масжиди, «Ҳазрати имом» мажмуасини томоша қилдилар ҳамда Учтепа тумани Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан яқиндан танишдилар.



ЯНГИ РУКН:
САЙЛОВДАГИ ИЛК ИШТИРОКИМ

# «Менинг овозим ўз орзу ва мақсадимнинг ифодасидир»



< [1]

Маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувлар, давра суҳбатлари ўз самарасини бермоқда. Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш баробарида ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришмоқда.

**Жавоҳир РИХСИБОЕВ,**
**Информатика касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси:**



— Мен бу йил биринчи марта сайловда қатнашаман. Маҳаллада ташкил этилган 341-сайлов участкасига бириктирилганман. Сайлов ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли воқеа. Келгусида тадбиркор бўлиш ниятидаман. Овозимни тадбиркорлик фаолияти ривожига кўмак берадиган номзодга бераман. Шу мақсадда сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари билан яқиндан таниша бошладим. Бу борада маҳалламизда ташкил этилган «Ёш сайловчи» бурчаги менинг яқин маслаҳатчимга айланди.

Юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида кўплаб қонунларга ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан сайлов қонунчилигига ҳам. Бу йилги сайловлар ёшларни юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатиши билан аҳамиятлидир. Бу эса муносиб номзодларга овоз беришда қўл келади.

**Умида ЖЎРАЕВА,**
**Тиббиёт коллежи**
**3-босқич ўқувчиси:**



— Шу пайтгача сайлов ҳақида умумий тушунчага эга эдим, холос. Сайлов ёшига етганимда унинг нақадар масъулиятли эканини ҳис қиляпман. Мен сайловда шунчаки иштирокчи эмас, мустақил шахс ва ўз фикрига эга фуқаро сифатида қатнашмоқчиман. Ўтган сайловлар давомида отам билан бирга бориб, номзодларга овоз бериш жараёнини ҳавас билан кузатардим. Мана, сайлов ёшига ҳам етиб, ўз овозимга эга бўлдим.

Юрт келажагини, қолаверса, ўз келажагимни ўзим белгилаш вақти келди. Шу мақсадда номзодларнинг шахсий сифат ва фазилатларига қизиқяпман. Улар билан ташкил этиладиган учрашувларда фаол қатнашаман.

**Мадина МАҲМУДОВА,**
**«Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳалласи**
**масъул котиби:**



— Ёшлигимдан жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга интиламан. Сиёсий жараёнлар эса ҳамиша диққат марказимда. Мақсадга эришиш учун хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун тинмай меҳнат қилиш, билим эгаллаш зарур. Келгусида мен ҳам вакиллик органларига ўз номзодимни қўйиш ниятидаман. Шу мақсад йўлида йиғинимизда иш бошладим. Қизиқишларимни пайқаган йиғин фаоллари маҳалламизда ташкил этилган 341-сайлов участкасида котиба бўлиб ишлашимга имкон беришди. Ҳар куни сайлов ҳақида маълумот сўраб тенгқурларим ташриф буюришади. Уларга маълумот етказиш асносида қонунчилигимиз билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқдаман. Бу мен учун ўзига хос мактаб. Менинг овозим эса келгусидаги режаларимни амалга оширишга туртки беради.

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

# Фуқаролик жамиятининг муҳим босқичи

< [1]

Ижтимоий шериклик туфайли ана шу вазифаларни бажаришда имкониятларимиз янада кенгайди. Қонунда давлат органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам бевосита иштирок этиши белгилаб қўйилди. Бу эса ҳаётга жорий этиладиган дастур ва қарорларнинг янада пухта ва самарали бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга, қонунда кўзда тутилганидек, фаоллик, ташаббускорлик, ижтимоий масъулиятни ҳам оширади.

Қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари, шакллари, давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги иштироки усуллари қайд этилган.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим дастуриламали ҳисобланган бу қонун жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Вилоятимиздаги 644 та фуқаролар йиғинида қонун тарғиботи бўйича давра суҳбатлари, учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари жадвалига «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун тарғиботига бағишланган мавзу киритилиб, тингловчиларга бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар берилмоқда. Албатта, қонунни ўрганиш жараёнида жойларда ижтимоий аҳамиятга эга масалалар билан боғлиқ мақсадли режа ва лойиҳалар ҳам шакллантириляпти.

Шунингдек, Фонднинг Қарши тумани бўлинмаси билан ҳамкорликда «Шивли» маҳалла ва Нуқработ қишлоқ фуқаролар йиғинида, Касби тумани бўлинмаси билан эса «Жизза» маҳалласида давра суҳбати ташкил этилиб, унда фаолларга қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берилди. Қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий-иқтисодий дастурларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлари, комиссиялар, жамоатчилик-маслаҳат органларининг фаолиятида, биргаликдаги тадбирлар ҳамда музокараларда, ижтимоий шериклик тўғрисидаги битимлар, шартномалар тузиш, қўшма лойиҳалар, шунингдек, режалар ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкинлиги тушунтирилди.

Давлат томонидан мулкий ахборот, маслаҳат тарзида, ташкилий ва ўқув-услубий қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига моддий ёрдам кўрсатаётган юридик, жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда имтиёзлар бериш мустаҳкамлаб қўйилгани кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қонун нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини юксалтиришга, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида аҳоли қатламининг манфаатлари ҳисобга олинишига, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатлик мустаҳкамланишига хизмат қилади.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# Қонун ва қарор ижроси доимий эътиборда

**Фориш туманидаги Османсой қишлоқ фуқаролар йиғинида иқтисодий-ижтимоий инфратузилма тараққий этиб бораётгани боис анъанавий деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик тармоқлари қатори тадбиркорликнинг турли йўналишлари ривожланмоқда. Айниқса, ҳудудда йирик «Османсой деҳқон бозори»нинг барпо этилгани аҳоли даромади ошишига, турмуши фаровонлашишига хизмат қилаётир.**

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

Дарҳақиқат, яхши яшашга интилиш одамларнинг хизмат кўрсатиш шохобчаларига талабини оширади. Буни яхши англаган османсойлик фаоллар йиғиннинг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси фаолиятини янада кучайтиришга эътибор қаратишган.

— Ўтган йили сайловдан сўнг тузилган саккиз кишидан иборат комиссиямиз фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ йўлга қўйилди, — дейди йиғин раиси Фахриддин Эргашев. — Ишимизни, аввало, аҳолига истеъмолчининг қонунда белгиланган ҳуқуқларини кенг тушунтиришдан бошлаганимиз туфайли бугун фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги юксалди.

Жорий йилнинг ўтган даврида иш режамиздаги вазифалардан ташқари фуқароларнинг мурожаатлари асосида яна бешта масалани кўриб чиқдик. Жумладан, келиб тушган мурожаатлар доирасида комиссия томонидан ҳудуддаги дорихоналар фаолияти ўрганиб чиқилди. Афсуски, қишлоқдаги хусусий дорихоналарнинг ҳаммасини ҳам намунали хизмат кўрсатаётир, деб бўлмайди. Айримларида сотилаётган дори-дармонларнинг нархларида, харидорга касса чеки беришда муаммолар мавжуд экан. Масала ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти мутахассислари иштирокида ўрганиб чиқилгани боис йўл қўйилган хатолар, мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Қолаверса, комиссия аъзолари жамоатчилик назорати асосида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 4 та қишлоқ врачлик пунктларида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси қай даражада бажарилаётганини ўрганиш масаласини фуқаролар йиғини кенгаши мажлиси муҳокамасига киритди.

— Кенгаш муҳокамасига мувофиқ ҚВПлар томонидан бириктирилган патронаж ҳамшираларнинг оилалар саломатлигини қай даражада назорат қилаётгани, оила тиббий кўрик дафтарининг қандай юритилаётганини ўргандик, — дейди йиғиннинг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси раиси Иброҳим Эгамов. — Натижада бир қанча камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишга эришдик. Қолаверса, муассаса ходимларига, ҳамшираларига «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтириб берилди.

Комиссия фақат тиббиёт соҳасида эмас, балки ҳудудда қонун ҳужжатларининг, шунингдек, фуқаролар йиғини қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ҳам фаоллик кўрсатаётир. Айниқса, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза этишда самарали натижаларга эришилаётгани фикримиз далилидир.







ҚУЛАЙЛИК

# Захира зарурати ечим топмоқда

**Қиш мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёж янада ортади. Бозорларда нарх-навонинг асоссиз ошиши Роҳила Садировани ўйлантириб қўйди. Ахир, кўп қаватли уйда яшаса, боз устига, пенсионер опа рўзғорга зарур маҳсулотларни ғамлаш имкониятига эга эмас. Маҳалла фаоллари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси шакллантирилаётгани опанинг жонига оро кирди.**

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ.**

— Биз аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини маҳалланинг ўзида ташкил этишни йўлга қўйдик, — дейди Учтепа тумани «Найман» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олтиной Кенжабоева. — Бу борада туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси бизга яқин кўмакчи. Ҳудудда «Қудратилла» масъулияти чекланган жамияти, «Green market» ва Замин савдо мажмуалари фаолият юритмоқда. Бу ердан фуқаролар эҳтиёжлари учун зарур полиз экинларини арзон нархда олиш имконига эга.

Маҳалла фаоллари томонидан нархлар асоссиз ошишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилган.

— Маҳалла аҳолисининг сонидан келиб чиқиб «Қудратилла» МЧЖ кўмагида дастлаб ўн беш кунга мўлжалланган 5 тонна пиёз ва 4 тонна картошка захирасини ташкил этдик, — дейди йиғиннинг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси аъзоси В.Осеньчугова. — Қолаверса, қиш мавсумига мўлжалланган 53 тонна пиёз ва 44 тонна картошка захирасини яратиш борасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Йиғин аҳли ҳудуддаги савдо шохобчаларидан рўзғор учун зарур маҳсулотларни харид қилишни маъқул кўради. Чунки бу ерда нақд пул ва пластик карточкалар билан савдо қилиш мумкин. Бозорда эса ҳар доим ҳам бунинг имкони йўқ.

Мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда йиғинда яшовчи кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш доимий эътиборда. Масалан, 8-уйнинг 74-хонадонида яшовчи В.Гурьянова ва 28-уй 29-хонадон соҳиби Н.Хайруллинга ҳудуддаги саховатпеша тадбиркорлар бириктириб қўйилган. Шу тариқа эҳтиёжманд фуқароларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Дахлдорлик туйғуси тафаккур билан тирик

**Юртимизда ҳар томонлама соғлом, маънан етук, ўзининг мустақил фикри, интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.**



**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Кенг ва замонавий ўқув масканларидаги қулай шароитлар ёшларга жаҳонда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни чуқур идрок этиш имконини бермоқда. Эътиборли томони, глобаллашув, ахборотлашув, турли ғоялар кураши кечаётган бугунги кунда маҳалла ёшлари бефарқ эмас.

Тошлоқ туманидаги «Якковут» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ҳудуддаги 28-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилган амалий тадбир «Залолатни елкангга юклаб олма», деб номланди. Унда ёшларга интернетнинг салбий оқибатлари ҳақидаги видеоролик намойиш этилди. Тадбир давомида ўқувчилар ўзларининг мавзуга доир қарашлари, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатларини билдиришди.

— Ўқувчилар мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган янгиликлардан хабардор, — дейди мактаб директори Орзимат Комилов. — Биз улар билан ҳамиша огоҳ бўлиш, ён-атрофдаги янгиликларни кузатиб бориш, уларга тўғри ёндашиш масалаларида маънавий-маърифий кечалар ўтказяпмиз. Шунингдек, муҳим саналар муносабати билан турли тадбир ва спорт мусобақаларини ҳам ташкиллаштиряпмиз. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма икки йиллиги муносабати билан «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида иншолар кўрик-танлови ўтказилди. Унда 9-синф ўқувчиси Марҳабо Рустамова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг туман босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳафтанинг жума кунлари маънавият соати деб белгиланган. Маҳалла фаоллари ҳамкорлигида «Огоҳлик — давр талаби», «Одам савдоси» «Алданиб қолма», «Ўқувчининг бурчи», «Ёш умрингни хазон қилма!», «Гиёҳвандлик ва ОИТС — аср вабоси», «Диний оқимлар тузоғидан огоҳ бўлайлик!» каби мавзуларда ёшларга кенг маълумот ва тушунчалар берилмоқда.

Маҳалла фаоллари мактаб ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларни, оилалардаги маънавий муҳит, ўқувчилар давомати, одоб-ахлоқи, кийиниш маданиятини мунтазам назорат қилиб боради. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан инглиз тили хонаси жиҳозлаб берилди. Шунингдек, «Энг фаол синф», «Энг фаол ўқувчи», «Намунали оила фарзанди» сингари танловлар ҳам ўтказиб келиняпти. Маҳалла аҳлининг ҳушёрлиги, назорати туфайли мактаб ўқувчиларининг давомати яхшиланди, таълим самарадорлиги ошди.

— Бола тарбиясида оиладаги маънавий муҳитнинг аҳамияти катта, — дейди йиғин раисаси Фотимахон Мирабдуллаева. — Афсуски, фарзандининг қаерда, нима иш билан машғуллигига эътибор бермайдиган, дарсларга келиб-кетишини назорат қилмайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Биз масаланинг шу жиҳатларини эътиборга олиб, назорат гуруҳларини ташкил этганмиз. Унинг таркиби ибратли оила вакиллари, мактабнинг фаол, аълочи ўқувчиларидан иборат. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида кейинги йилларда ёшлар ўртасида жиноятчилик, майда безорилик сингари ҳолатлар барҳам топди.

Муҳими, олиб борилаётган бундай ҳамкорлик маҳалла ёшларини спорт, касб-ҳунар тўгаракларига жалб қилиш, уларни турли ёт ғоялар, номақбул одатлар таъсирига тушиб қолишдан асрамоқда.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# Маҳсулотга энди хорижликлар ҳам харидор

**Самарқанд шаҳридаги «Даҳбедий» маҳалласидан Нигина Собирова мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити, тадбиркорлик фаолиятига оид қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, йиғин кўмагида тикувчилик цехини ишга туширди. Натижада 5 нафар оила аъзосидан ташқари яна 5 нафар ёш ишли бўлди.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

— Корхонамизда замонавий тикув машиналари ҳамда компьютер технологияси ёрдамида хотин-қизлар либосларига, матоларга турли безаклар, нақшлар туширяпмиз, — дейди «Вазира» оилавий корхонаси раҳбари Н.Собирова. — Маҳсулотларимизга, асосан, тўй тараддудида юрган маҳалладошларимиз, ҳамшаҳарларимиздан кўплаб буюртмалар тушмоқда.



Яқинда тадбиркор аёл оммавий тадбирлар, кўргазмалар учун Самарқанднинг қадимий қадамжолари, зиёратгоҳлари, мақбаралари акси туширилган кашталар, сўзаналар тикишни йўлга қўйди. Мазкур экспонатларга, айниқса, хорижликларнинг қизиқиши катта. Ишбилармон келгусида корхонани кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирмоқда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Олти миллиард бу — биз учун чегара эмас

**Ҳакан — Андижон вилоятидаги йирик аҳоли масканларидан. Тадбиркорлардан иборат бўлган қишлоқ аҳли, асосан, импорт ўрнини босувчи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланади.**



**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**
**«Mahalla»**

«Фусункор» масъулияти чекланган жамияти қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Қумкўча» маҳалласида жойлашган. Бир пайтлар бу ерда дўкон ёки нонвойхона ҳам йўқ эди. Мана, 18 йилдан бери бу корхонада халқ хўжалигининг энергетика тизимида авария ҳолатларини камайтиришда зарур бўладиган импорт ўрнини босувчи ҳимоя воситалари, электр бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари Халқаро сифат менежмент тизими талабларига тўла жавоб беради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сертификатланган. Шу боис корхона Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида мунтазам иштирок этиб келади.

— Корхона маҳалламиз қиёфасини ўзгартириб юборди, — дейди йиғин раиси Сирожиддин Султонов. — Чунки даромаднинг бир қисми кўчаларни асфальтлаш, янги йўллар қуриш, электр чироқлари ўрнатиш ҳамда ҳомийлик ишлари учун сарфланяпти.

Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг 80 фоизини қумкўчаликлар ташкил этади. Соғлом бола йилида коллеж битирувчиларидан 12 нафари ишга қабул қилинди.

— Туманимизда оилавий тадбиркорлик кенг ривожланяпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон тумани бўлинмаси раиси Абдухолиқ Усмонов. — Бунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилгани, янги иш бошловчилар учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани ҳамда солиқ юки йил сайин камайиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қувонарлиси, дастлаб 3-4 киши иштирокида бошланган лойиҳалар кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этилиб, йирик корхоналар вужудга келмоқда. Илгари Андижон вилоятига оддий калиш ҳам қўшни республикадан келтирилар эди. Энди эса туманнинг Куйганёр шаҳарчаси, Саноат ҳудудида жойлашган «Rubber trast» хусусий корхонаси водий аҳолисини резина оёқ кийимлари билан таъминлаяпти. Бу ерда қўшни олтинкўлликлар ҳам иш билан банд. Умумий ишчилар сони 500 нафардан ортади. Асосийси, импорт ўрнини босувчи калишларга нафақат мамлакатимиз, шунинг баробарида, қўшни давлатларда, жумладан, Қозоғистонда ҳам харидорлар бисёр.

Бундан ташқари, Ёрбоши қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Айрилиш» маҳалласида жойлашган «Salom hamkor textil» хусусий корхонаси раҳбари Умидахон Ҳошимова яқин вақтгача четдан келтириладиган трикотаж буюмлар ўрнига ўзимизнинг тайёр хомашёдан ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар тикиб, ички бозорни таъминлаяпти.

Яна бир мисол. Собиқ шўролар даврида пўлат қувурлар ишлатиш тақиқланган эди. Ана шу металлдан ишком қурган соҳибкорлар асоссиз равишда сўроқ қилингани ҳам бор гап. Мустақиллик шарофати билан Андижон туманининг Кўнжи қишлоғида пўлат қувурлар тайёрлайдиган «Everest metal sevarit» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси фаолият кўрсатяпти. Бу ерда импорт ўрнини босувчи 15 турдаги маҳсулот савдога чиқариляпти. Асосан Ҳакан ва Кўнжи қишлоқларида яшовчи фуқаролар меҳнат қилаётган корхонада йилнинг 9 ойида 2800 тонна ёки 6 миллиард 634 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Бу биз учун чегара эмас, — дейди корхона раҳбари Акмалжон Раҳмонов. — Яқин орада янги технологияларни ишга тушириш ҳисобига қувватларни янада оширамиз. Ишчилар сонини 60 нафарга етказамиз.

Бугун Андижон тумани иқтисодий салоҳиятининг юксалишида тадбиркорлар улуши тобора ортиб бормоқда. Бунинг натижасида маҳаллий сармоядорлар импорт ўрнини босувчи хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариб, аҳолининг эҳтиёжини қоплаяпти.

МАВСУМ ТАДОРИГИ

# Ширкат хизмат сифатини оширади

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишга, ҳар бир хонадонда ичимлик суви, иссиқлик, газ таъминоти ва бошқа маиший қулайликлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда фуқаролар йиғинлари билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамкорлиги яхши самара беряпти.**

**Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Президентимизнинг жорий йил 27 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган дастурда коммунал хўжалик, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва тегишли тармоқлар зиммасига тизимдаги ишларни талаб даражасида йўлга қўйиш, истеъмолчиларга қиш мавсумида узлуксиз ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш борасида катта масъулият юкланган.

Мавсумга пухта тайёрланиш бўйича пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида талай ишлар амалга оширилмоқда.

— Ҳозиргача шаҳардаги 44 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳоли массивлари, таълим муассасалари тармоқлари мавсумга шай, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чирчиқ шаҳар бўлинмаси раиси Дилбар Саидбобоева. — Айниқса, кўп қаватли уйларда мунтазам иситиш тизимини таъминлаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла мутасаддилари ва тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан аҳолидан тушган мурожаатлар ҳамда мавжуд муаммолар бўйича қилинадиган ишлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

— Коммунал хизмат кўрсатиш тизимини босқичма-босқич янгилаб, хизматлар сифатини оширишга эътибор қаратяпмиз, — дейди «Адолат» маҳалласида жойлашган «Чирчиқ обод» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Акмал Йўлдошев. — Бунда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари зиммасидаги масъулиятни оширдик. Шунингдек, истеъмолчилар томонидан шартнома мажбуриятларига риоя қилиниши устидан фуқаролар йиғинлари билан бирга йўлга қўйилган жамоатчилик назорати ҳар икки томон учун бирдай фойдали бўлмоқда.

«Коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати таркибидаги 24 та кўп қаватли уйнинг ички муҳандислик-коммуникация тармоқлари таъмирланди. Бу ишларнинг асосий қисми аҳоли кўмагида амалга оширилди.

— Қозонхоналарни, иссиқлик тармоқларини капитал ҳамда жорий таъмирлашга алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди «Истиқлол» маҳалласи раиси Олим Алимов. — Қиш мавсуми арафасида барча иситиш тизимлари юқори босим остида тўлиқ текширувдан ўтказилмоқда. Кўп қаватли уй-жой фондини қиш мавсумига тўла тайёрлаш мақсадида уй-жойлар томи мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек



қўйиш, сувни тежаш ва чиқиндиларни белгиланган жойларга ташиб чиқариш билан боғлиқ юмушлар бажарилмоқда.

Хуллас, бугун фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар аҳоли манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

САРИШТАЛИ УЙ — ФАРИШТАЛИ УЙ

# Ҳовлидаги ҳаловат меҳр ва интилишдан

**Атрофи обод, озода хонадонда яшаш, ҳатто шу маскан ёнидан ўтиб-қайтиш кишининг баҳридилини очади, хуш кайфият улашади. Мазкур ҳолат маҳалланинг ҳар бир кўчасига хос бўлса-чи?! Унда бундай маскан саришталик ва ободликни одат қилган, нозик дид ва ораста инсонларнинг манзилига айланиши шубҳасиз.**

**Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги «Халқобод» маҳалласидан «Гулобод» маҳалласига келин бўлиб тушган Парвина Саидаҳмедова меҳнатсеварлиги, саранжом-саришта ва ширинсуханлиги билан қўни-қўшни, маҳалла-кўй эътиборига тушди. Келинчак қайнонаси Зийнат Саъдуллаеванинг йўл-йўриқлари, маслаҳати билан хонадонни гулзорга айлантирди. Қўшни келинлар ҳам ундан ўрнак олиб, гул парваришлаб, уйларини ораста тутишга астойдил киришиб кетди.

— Болалигимдан гул парваришлашга иштиёқим баланд, — дейди Парвина. — Буни қарангки, келин бўлиб тушган хонадонимда ҳам гуллар ўстириш анъанага айланган экан. Қайнонам билан бирга қора шаҳзода, қора киприк каби юзга яқин гулни, ёғидан атир ишлаб чиқариладиган герранинг уч хил навини парвариш қиляпмиз. Гул ўстириш алоҳида эътибор ва масъулият талаб қилади. Тупроғини ҳар олти ойда алмаштириб, минерал ўғитлар, ҳашаротларни йўқотадиган дорилар соламиз. Азот моддаси билан тўйинтириш мақсадида ёмғир сувидан фойдаланамиз. Баъзан тобим қочса ёки кайфиятим тушса, яшнаб турган турфа гуллардан шифо топгандек бўламан. Барқ уриб очилган гуллар ўз ифори ва таровати билан хонадонга чирой, кишига куч-қувват бағишлайди. Гул бор жойда озодалик, меҳр, қувонч ҳукм суради.



Дарҳақиқат, Саъдуллаевлар хонадонидагилар меҳнатдан, изланишдан толмайди. Улар олма, анор, хурмо, ёнғоқ ва беҳи кўчатларини ҳам алоҳида эътибор билан ўстиришади. Томорқачиликнинг ҳадисини олган бу хонадон аҳли маҳалладаги кексаю ёшга ниҳоллар улашади, уларни парваришлаш сирларини ўргатишади. Хусусан, маҳалладаги Манзифа Исматуллаева, Нилуфар Ҳакимова, Раъно Турсунова ва Интизор Алиева аллақачон гулчи номини олган.

Ҳар бир ишни саранжом-саришталик билан бошлайдиган «Гулобод» маҳалла фуқаролар йиғинида анъанавий тарзда октябрь ва ноябрь ойларида «Обод ва файзли хонадон», «Сариштали уйнинг фариштали келини», «Эпли келин — сепли келин» кўрик-танловлари ўтказилади. Бу тадбирларни орзиқиб кутадиган маҳалла аҳли ғолибликка тайёргарлик кўради. Яқинда «Сариштали уйнинг фариштали келини» кўрик-танловида иштирок этган Парвина Саидаҳмедова ўн уч нафар рақибини ортда қолдирди.

Ҳа, гулободликлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳамжиҳат. Маҳалла кўчалари, ариқ ва зовурлар тоза, озода, ички кўчаларга шағал тўкилган. Йўл четлари ва ариқ ёқаларида очилган кузги гуллар кўзни қувонтиради. Йўлаклар супуриб-сидирилган, дарахтлар, деворлар оқланган хонадонлар бир-биридан ораста. Ана шундай оддий, аммо ҳаётий манзараларда акс этган ободлик маҳалланинг тинчлик-осойишталигидан, одамларнинг ўзаро меҳр-оқибат билан умргузаронлик қилаётганидан далолатдир.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

# Масъулият ва ҳушёрлик янада ортган

**Турмуш ўртоғини ишга кузатиб, уй юмушлари билан машғул бўлган аёл фарзандлари нонуштаси учун сут келтирмагани ёдига тушиб, дўконга отланди. Қаровсиз қолган болалар газ плитасида ёниб турган олов билан ўйнагани оқибатида бир зумда уй ичини тутун қоплади...**

**М. БОЙСАРОВ, 9-ҲЁХО инспектори, кичик сержант.**

Бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида ҳар йили республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиб, ойлик доирасида аҳоли турар жойлари, ижтимоий-иқтисодий объектлар, ўқув муассасаларининг ёнғин хавфсизлигига оид ҳолати ўрганилиб, аҳолининг ҳушёрлиги ва масъулияти ошириб борилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги «Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда ИИВнинг 2014 йил 1 ноябрдаги кўрсатмасига асосан, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар мамлакатимиз миқёсида ёнғин хавфсизлиги ойлиги эълон қилинди. Ойликни намунали ўтказиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 9-ҲЁХО томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Режага мувофиқ, идора ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида учрашувлар, суҳбатлар ташкиллаштирилиб, ишчи ва хизматчилар ҳамда ўқувчи-ёшларга ёнғинга сабаб бўлувчи омиллар, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида тушунчалар берилмоқда, йўриқномалар тарқатилмоқда. Қолаверса, ёнғинга қарши тайёргарлик ҳолати талаб доирасида бўлмаган корхона, цех ва омборхоналарнинг фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйиляпти.

Шунингдек, аҳоли пунктларида, маҳаллаларда қиш мавсумида иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжнинг ортиши инобатга олиниб, табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймаслик, болаларни назоратсиз қолдирмаслик мақсадида фуқаролар билан профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. Аҳоли гавжум жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари туширилган плакат, баннерлар ўрнатилмоқда.

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»

# Тўгаракларда чемпионларга издошлар улғаяди

**Китоб тумани Бештерак қишлоқ фуқаролар йиғинида спортга ихлосманд оилалар кўп. Ҳашар йўли билан бунёд этилган футбол стадиони тонгда югураётган, машқ бажараётган катта ёшлилар билан гавжум бўлса, кечга яқин болалар тўп суришади. Хотин-қизлар ҳам спортнинг волейбол, баскетбол турлари билан мунтазам шуғуллангани боис, маҳаллалараро мусобақаларда ғолибликни қўлдан бермай келишаётир.**




**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»**

Маҳалла қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия раиси, 12-умумтаълим мактаби директор ўринбосари Абдували Ёрқулов томонидан ҳудуддаги оилаларни спорт машғулотларига қизиқтириш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, спорт мажмуасида маҳаллалараро стол тенниси, волейбол ва баскетбол мусобақаларида хотин-қизлар иштирокини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Тўгаракларга 80 нафарга яқин киши жалб этилган.

— Маҳалламиздаги бирор байрам, тадбир мусобақасиз ўтмайди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Юсуф Назаров. — Ҳудудимиздаги Китоб коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи, 12-, 16-умумтаълим мактаблари қошидаги, шунингдек, болалар спорт мажмуасидаги тўгараклар ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларнинг соғлом ўсишига замин яратмоқда. Йиғин спортчилар маҳалласи номини олган. Зотан, туман футбол терма жамоаси аъзоларининг аксарияти бизнинг маҳалладан. Нормурод Йўлдошев ва Хушвақт Рўзиқулов сингари жаҳон чемпионларига издош курашчи ёшлар, енгил атлетикачи қизлар туман, шаҳар ҳамда вилоят биринчиликларида ғолибликни қўлга киритиб келишмоқда. Жамоамиз ўтган йилларда «Футболимиз келажаги» республика турнирининг вилоят босқичида иштирок этишга муяссар бўлди. Абдурасул Раҳмонов оиласи жорий йилги «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» ўйинларининг республика босқичида фахрли 3-ўринни қўлга киритгани ҳам қувонарли.

Дарҳақиқат, ҳар бир оилада жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишда спорт мусобақаларининг аҳамияти беқиёс.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказиладиган мусобақада уч йилдан бери иштирок этиб келяпмиз, — дейди «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» ўйинларида ғолиб топилган хонадон бекаси Клара Ашурова. — Спорт туфайли оиламиз бир жамоа бўлиб ҳаракат қилишга одатланди, жисмоний машғулотларни кундалик турмуш тарзимизга айлантирдик. Шу боис оила аъзоларимиз жисмонан баркамол, бақувват, соғлом. Фарзандим ва турмуш ўртоғим югуриш, чиниқтирувчи машқлар бажариш ва тош кўтаришни канда қилмайди. Икки нафар ўғлим маҳалладаги футбол тўгарагига қатнайди. Кунда-кунора «жамоамиз ютди», деб кубок кўтариб келишади. Айтиш керакки, машғулотлардан сўнг кичик фарзандимнинг бўйи анча ўсиб чиниқди, ўзига ишончи ошди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш — Бештерак қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзига айланган. Айниқса, катталарнинг бу борада ёшларга ибрат бўлаётгани баркамол фарзандларнинг вояга етишига замин яратаётир.

БОЛАЛАР СПОРТИ

# Муносиб шароит қизиқувчилар сафини ошираётир

**Юртимизда кейинги йилларда қиличбозлик ривожланаётгани, бу соҳада тажрибали мураббийларга эҳтиёж сезилаётгани аниқ.**

**Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»**

Қўқон шаҳридаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортнинг ушбу тури жонкуярлари, тарғиботчилари хизмат қилишади. Муассасада фаолият юритаётган, ёш бўлса-да, катта тажриба тўплаган Гулмира Зиёева бугунгача муносиб шогирдлар етиштириб чиқаришга улгурган.



У бир неча марта Ўзбекистон ва Осиё чемпиони деган шарафга сазовор бўлган, жаҳон ареналарида юртимиз байроғини юксакка кўтарган спортчилардан. Яқинда у Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтган XVII Осиё ўйинларида фаол иштирок этди. Айни пайтда ёш мураббийнинг чемпион шогирдлари А.Шумакова, С.Абдуғаниева ва В.Грилнёва Ўзбекистон терма жамоаси аъзолигига қабул қилинди.

— Одатда қиличбозлик спорти билан шуғулланувчилар орасида қизлар кам учрайди, — дейди Г.Зиёева. — Аммо яқинда ўтказилган мусобақада шогирдларим орасида Сарвиноз Абдуғаниева Ўзбекистон кубоги совриндори бўлиб, 3-ўринга муносиб топилди. Унинг эришган муваффақиятидан сўнг маҳалладаги 10 нафарга яқин қиз тўгаракка қатнай бошлади.

Мактабимизда спортнинг бу турига эҳтиёж шу қадар кучли экан, энди мамлакат миқёсидаги қизиқувчи ёшларни тасаввур қилаверинг. Ҳозир бу ерга қўшни туманлардан жами 32 нафар мактаб ва лицей ҳамда коллеж ўқувчилари келиб, спортнинг мазкур тури билан машғул бўлмоқда.

Кўплаб маҳоратли спортчиларни етиштиришда катта ҳисса қўшаётган муассаса жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 970 млн. сўм маблағ эвазига тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, мажмуадаги барча жиҳозлар янгиланди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мажмуада йил якунигача ёшлар учун янги спорт тўгаралари очилиши ва уларда юз нафарга яқин ёш шуғулланиши режалаштирилган.




## Натижа чакки эмас

**Хитойда беш кун мобайнида ўтган «Airshow China — 2014» кўргазмаси иштирокчилари 23,4 млрд. долларлик шартнома имзолашга эришишган.**

«Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, турли тоифадаги 227 та учувчи аппарати етказиб бериш бўйича ўнлаб келишувлар имзоланган. Агентлик шартномаларнинг тафсилотларига тўхталмаган.

Илгари мазкур авиашоуда Покистон Хитойнинг 30 тадан 40 тагача «FC-31» русумли қирувчи самолётларини харид қилиши маълум қилинганди. Бундан ташқари, Россия ва Хитой оғир вертолётларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш бўйича келишиб олишган.



«Airshow China — 2014»да 410 минг нафарга яқин киши ташриф буюрган, 41 та давлат ва минтақадан 700 иштирокчи қатнашган. Кўргазмада 130 та учувчи аппарат намойиш этилган.

## Террор қурбонлари

**«Global Terrorism Index» ҳисоботига кўра, 2012-2013 йил орасида дунёда террорчилик ҳужумлари оқибатида ҳалок бўлганлар сони 61 фоизга ошган.**



Ҳужумлар сони эса 44 фоизга ўсган. Жумладан, 2013 йилда қарийб 10 мингта теракт амалга оширилган. Улардан Ироқ аҳолиси энг кўп азият чеккан. Бу давлатда олти минг нафардан зиёд киши террор ҳужумлари туфайли ҳаётдан кўз юмган. Афғонистон, Покистон, Нигерия ва Сурияда ҳам қурбонлар сони юқори. Террорларнинг 80 фоизи ушбу беш давлат ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, Ҳиндистон, Сомали, Филиппин, Яман ва Таиланд ҳам кейинги бешталикка киритилган.

2013 йилда қарийб 18 минг инсон террор қурбони бўлган, дейилади ҳисоботда.

## Ҳаво ва сувдан ёнилғи

**«Audi» компанияси ҳаво ва сувдан дизель ёнилғиси олиш технологиясини кашф қилди.**

Мазкур технология Германиянинг Дрезден шаҳридаги синов корхонасига ўрнатилган бўлиб, завод углерод диоксидини лойиҳа ҳамкори «Climeworks» фирмаси томонидан тақдим қилинган технология асосида тўғридан-тўғри ҳаводан олади. Сўнгра сувни электролизлаш амалга оширилади. Бунинг натижасида кислород ва водород ажралади. Улар 220 градус ҳарорат ҳамда 25 бар босим остида углерод диоксиди билан реакцияга киришиши оқибатида «Blue Crude» деб номланган суюқ модда ҳосил бўлади. У қайта ишланиб, дизель ёнилғисига айлантирилади.



Автомобилга ёнилғи қўйиш асносида уни анъанавий дизель ёнилғиси билан исталган ҳажмда аралаштириш мумкин. Айни пайтда «Audi»нинг Дрездендаги заводида бир кунда салкам 160 литр «Blue Crude» олинмоқда. Суюқликнинг 80 фоизи(қарийб 128 литри)ни синтетик дизелга айлантириш имкони мавжуд.

**Интернет материаллари асосида Шаҳноза САИПОВА тайёрлади.**

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА

# Фуқаро муҳофазаси аниқ режа асосида ташкил этилган

**Куз-баҳор ойларида меъёрдан ортиқ ёққан ёмғир ёки қор туфайли тоғли ва тоғолди ҳудудларда тошқин, кўчки ҳатто зилзила каби табиий офатлар рўй бериши эҳтимоли ортади. Аҳоли ва мутасадди идораларнинг бундай фавқулодда вазиятларга тайёр турмаслиги аянчли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.**

**Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»**

Маҳаллаларда табиий ва техноген ҳодисалардан аҳолини муҳофазалаш бўйича Наманган вилоятида қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳудудий бўлинмалари, жойлардаги фуқаролар йиғинларининг фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш тизимлари билан ҳамкорликдаги тадбирлари самарали бўлмоқда.

— Қишлоғимиз Чотқол-Қурама тоғ тизмалари туташган ҳудудда жойлашган, — дейди Чуст туманидаги Ғова қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунбой Тошпўлатов. — Шу боис, айниқса, «Гулистон» ҳамда «Юқори» маҳаллаларида фуқаро муҳофазаси бўйича ишлар аниқ режа асосида ташкиллаштирилиши талаб этилади. Хусусан, баҳор, куз ва қиш ойларида сел ҳамда тошқинлар, қор ва ер кўчиши оқибатларининг олдини олишга эътибор кучайтирилади.

Қиш мавсуми бошланиши билан фаолларнинг, шунингдек, 5 нафар маҳалла ҳамда 14 нафар чегара посбонлари сардорларининг ушбу йўналишдаги вазифалари янада ортади. Жойларда аҳоли билан учрашувлар жадвали ишлаб чиқилиб, мутасадди идоралар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида мавзуга оид суҳбатлар, мулоқотлар ўтказяпмиз. Тарғибот тадбирларида маҳаллаларда истиқомат қилувчи зиёли инсонлар, хусусан, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, эл-юрт ҳурматини қозонган нуронийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаларидан фойдаланяпмиз.

Одатда кўнгилсиз ҳодисалар одамларнинг бефарқлиги, эътиборсизлиги оқибатида юз беради. Ўтказилаётган тарғибот тадбирларида масаланинг ана шу жиҳатига урғу берилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган амалий ишларда фаол қатнашаётир.

— Жорий йилда аҳолини жалб этиб, вилоятдаги 761 та маҳаллада 342 километрдан зиёд ички ариқ-зовурлар, қарийб 215 километр сой қирғоқлари лойқа ва чиқиндилардан тозаланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси Шоирахон Абдуллаева. — Шу билан бирга, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ туманларида ўтказилган ўқув-машқлари жараёнида аҳоли, хусусан, ёшлар фаол иштирок этди.



Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари мутахассисларининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари, йиғинлар қошидаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар билан ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Махсус тактик-ўқув машғулотлари ҳамда профилактика тадбирларида аҳолинииг фавқулодда вазиятларда ҳимояланишига доир билим ва тушунчалари бойитилаётир.

Яқинда Наманган шаҳри Амир Темур номидаги маҳаллада ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва бошқа мутасадди идораларнинг фуқаролар йиғини билан ҳамкорликдаги ўқув машғулоти уюштирилди. Унда соҳа мутахассислари аҳолини фалокатнинг олдини олиш, тезкор қидирув-қутқарув ишларини ташкил этиш, ҳаракатланиш тартиб-қоидалари билан яқиндан таништирдилар. Ҳар бир шаҳар ва туманда бу каби машғулотларни ўтказиш тизимли йўлга қўйилган.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: М.Латипова

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1438 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00